



ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРНИ ЎРНИ

Азимов Зафар Очилович

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва
тадбиркорлик олий мактабининг “Лойиҳа бошқаруви” мутахассислиги
тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10047018>

Аннотация

Мақолада Сурхондарё вилоятининг хизматлар соҳасидаги олиб
борилаётган ислохотлар ёритиб берилган. Сурхондарё вилоятида
хизматлар соҳасига оид инвестицион лойиҳалар ва ушбу соҳани
ривожланишига ажратилган маблағлар туманлар ва банклар кесимида
келтирилган. Статистик кўрсаткичлар таҳлил қилинган.

Калит сўз: лойиҳа, инвестицион лойиҳа, соҳа, ҳудуд, хизматлар
соҳаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январда ПҚ-
104-сонли “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан 2021-2023 йилларда Ўзбекистон
Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини амалга
ошириш натижасида 2021 йилда хизматлар кўрсатиш ҳажми қарийб 20
фоизга ўсди. Шу билан бирга, хизматлар соҳасини ривожлантиришга
янгича ёндашувларни жорий этиш орқали бозор хизматлари ҳажмини
2022 йилда 1,5 бараварга ошириш ҳамда қўшимча 1,5 миллион янги иш
ўринларини яратиш имкониятлари мавжуд¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга
мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”
2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони ижросини таъминлаш,
Сурхондарё вилояти ҳудудларида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар
соҳасининг келгуси беш йилдаги истиқболларини ҳамда ҳар бир туман ва
шаҳарнинг “ўсиш нуқталари”ни белгилаш, ижтимоий соҳани
ривожлантириш орқали аҳоли саломатлиги ҳамда турмуш даражасини
янада яхшилаш мақсад қилиб олинган².

Хизмат кўрсатиш соҳасининг, жумладан, туризмнинг иқтисодий
тармоғи сифатида ривожланиши билан параллел равишда туризм

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январда ПҚ-104-сонли “Хизматлар соҳасини
ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 245-сонли “2022-2026 йилларда
сурхондарё вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини
янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори





фанининг шаклланиш жараёни содир бўлмоқда, хусусан, туризмнинг умумий назарияси яратилмоқда. Моҳиятан туризмдаги барча илмий фанлар туризм умумий назариясининг фундаментал қоидаларига асосланиши керак. Худди шундай, туризм менежменти ҳам ўз воситалари арсеналига “бенчмаркинг”, “креатив ёндашув”, “назорат қилиш”, “иқтисодий муносабатларни бошқариш”, “TQM – Сифатни умумий бошқариш”, инновацион характердаги фундаментал тушунчаларни кирита бошлади³.

Сурхондарё вилоятида 2022-2026 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 1,7 бараварга, саноат маҳсулотлари ҳажмини 1,9 бараварга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,2 бараварга, хизматлар ҳажмини 2,3 бараварга ҳамда қурилиш ишлари ҳажмини 1,7 бараварга оширишни назарда тутувчи шаҳар ва туманлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлар параметрларга етказиш зарур.

Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида ёндашувлар асосида хизматлар соҳасини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини молиявий ресурслар ва инфратузилма билан таъминлаш ҳамда уларга қулай солиқ режимини жорий этиш мақсад қилиб олинди. Ушбу мақсадга эришиш учун республика ҳудудларининг аҳолиси сони ва зичлиги, географик жойлашуви, ихтисослашуви ва инфратузилма билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб, хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгиланди:

- ҳар бир туман ва шаҳарларда: бюджет маблағлари ҳисобига 2021-2022 йилларда шаҳарсозлик лойиҳалари асосида мукамал таъмирланган, ташқи ёритиш, суғориш ва дренаж тизимлари модернизация қилинган, пиёда ва велосипед йўлаклари қурилган ҳамда аҳоли гавжум бўлган кўчаларни савдо, хизмат кўрсатиш, сайилгоҳ ва кўнгилочар кўчаларга айлантириш ҳамда рақамли хизматлар улушини босқичма-босқич ошириш учун зарур инфратузилма билан таъминлаш ва сифатли алоқа ва интернет хизматлари қамровини, шунингдек, “Электрон ҳукумат” тизими хизматларидан фойдаланиш кўламини кескин кенгайтириш;

- Тошкент, Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказлари ҳамда бошқа шаҳарларда кўпи билан ҳар 3 - 5 та маҳалла учун аҳоли гавжум бўлган кўчани ободонлаштириб, пиёдалар йўлакчаларини кенгайтириш ва уларни ёритиш орқали маҳаллалараро савдо-хизмат кўчасини ташкил

³ Алимов, Б. (2023). ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ЛОЙИҲАЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ТУРЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 3(8), 186-199.





этиш;


- аҳолиси 300 мингдан кам бўлган туманларда: саноат ва хизматлар соҳаси юқори суръатларда ривожланиб бораётган туманларда - савдо, меҳмонхона, овқатланиш ва логистика хизматларини, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш ва кўнгилочар масканларни ташкил этишга устуворлик бериш; тоғли, тоғолди, рекреацион туризм салоҳияти юқори туманларда - автомобиль йўллари, электр энергияси ва ичимлик суви таъминоти ҳамда бошқа инфратузилмани яхшилаш ва тайёр лойиҳалар асосида туризм хизматларини ривожлантириш; чегара ҳудудларда жойлашган ҳамда ҳудудидан халқаро автомагистраль ва темир йўллар ўтган туманларни - савдо, туризм, логистика ҳамда йўл бўйи хизматларини кўрсатишга ихтисослаштириш; қишлоқ хўжалиги улуши юқори бўлган туманларда - замонавий агрохизматларни ривожлантириш;

- ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган туманларда - замонавий бозор хизматлари, таълим, тиббиёт, санъат, туризм, меҳмонхона ва умумий овқатланиш ҳамда транспорт хизматларини ривожлантириш;

- Тошкент, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида - юқори даромадли хизматларни, айниқса, йирик савдо ва кўнгилочар хизмат кўрсатиш объектларини кўпайтириш, таълим ва тиббиёт муассасалари жойлашган ҳудудларда ихтисослашган кластерлар ташкил этиш.

Шу билан бирга 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш) хизматлари, автотранспортда йўловчи ва юк ташиш, транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматлари, маиший техникани таъмирлаш, агро ва ветеринария хизматларини кўрсатувчи ҳамда кўнгилочар масканларда хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз этиб белгилади.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури координаторлари Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2022 йил дастури доирасида ажратилаётган маблағларнинг 500 миллиард сўми хизматлар кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларга, биринчи навбатда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган талабларга жавоб берадиган оилавий меҳмон уйлари - 50 млн сўмгача, хостеллар - 1 млрд сўмгача, ўтов лагерлари мажмуаси - 300 млн сўмгача, автокемпинглар - 3 млрд сўмгача, экоуйлари мажмуаси - 300 млн сўмгача, контейнер шаҳарчалар - 600 млн





сўмгача ва чодирли лагерлар - 60 млн сўмгача ташкил этиш ва уларни таъмирлаш лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилишини таъминланади. Тижорат банклариغا Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4752-сон қарорига мувофиқ жалб этилган ресурс маблағларининг муддатидан келиб чиқиб, аввал ажратилган кредитларнинг сўндирилган қисми ҳисобидан хизматлар соҳасидаги янги лойиҳаларни (молия соҳасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ва хизматлар соҳасида айланма маблағларни тўлдириш ҳоллари бундан мустасно) молиялаштириш учун 14 фоиз ставкада битта лойиҳа бўйича 2 миллиард сўмгача миқдорда кредитлар ажратишга рухсат берилди.

1-жадвал

Халқаро молия институтларидан 200 миллион АҚШ доллари миқдорида хизматлар соҳасини ривожлантириш учун жалб қилинган маблағларнинг тижорат банклари кесимида⁴

Т/р	Худуд номи	Ажратиладиган маблағ миқдори (млрд сўм)
ЖАМИ:		500
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	35
2.	Андижон вилояти	40
3.	Бухоро вилояти	45
4.	Жиззах вилояти	30
5.	Қашқадарё вилояти	40
6.	Навоий вилояти	25
7.	Наманган вилояти	40
8.	Самарқанд вилояти	45
9.	Сурхондарё вилояти	45
10.	Сирдарё вилояти	25
11.	Тошкент вилояти	35
12.	Фарғона вилояти	45
13.	Хоразм вилояти	35
14.	Тошкент шаҳри	15

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январда ПҚ-104-сонли “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори





тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сон қарорига мувофиқ “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан хорижий банклардан жалб қилинган 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни барча шаҳарлар ва туманлар марказларида хизматлар соҳасини ривожлантириш, шу жумладан 29 та шаҳар ва 6 та йирик туманларда туризм, транспорт, тиббиёт, таълим объектлари ва йирик савдо комплексларини ташкил этиш лойиҳаларини молиялаштириш учун қуйидаги шартлар асосида ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Мамлакатимизнинг жанубдаги дарвозаси - Сурхондарё вилоятида Россия ишбилармонлари иштирокида 44 та хорижий ва қўшма корхона фаолият юритаётгани ёки сўнгги беш йилда Россия давлати ишбилармонлари иштирокида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилиб, 100 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилгани бунга яққол далилдир.

Масалан, Ангор туманида Россиянинг “Брейн Инвест” компанияси “Тановар Сурхон” масъулияти чекланган жамияти негизида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда сақлаш лойиҳасини амалга ошириб, 5 миллион долларга тенг инвестиция жалб этилди. 25 иш ўрни яратилган мазкур корхона янги йилнинг илк ойидаёқ 120 минг долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилди. Узун туманидаги “Kapital Golden” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хусусий корхонада россиялик инвесторлар барпо этган замонавий пишиқ ғишт ишлаб чиқариш лойиҳасига 2 миллион доллар сармоя киритилиб, ўн кишининг бандлиги таъминланди. Шунингдек, туманда амалга оширилаётган йирик ҳажмдаги бунёдкорлик иншоотларини сифатли ва арзон қурилиш материали билан таъминлаш самарадорлиги ошди.

2-жадвал

Халқаро молия институтларидан 200 миллион АҚШ доллари миқдорида хизматлар соҳасини ривожлантириш учун жалб қилинган маблағларнинг тижорат банклари кесимида тақсимооти⁵

Т/р	Банк номи	Тақсимот (млн доллар)
ЖАМИ:		200
1.	“Ўзмиллийбанк” АЖ	40
2.	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	30





3.	“Асакабанк” АЖ	30
4.	“Ипотекабанк” АТИБ	25
5.	“Қишлоқ қурилиш банк” АТБ	15
6.	АТ “Алоқабанк”	15
7.	“Туронбанк” АТБ	15
8.	“Агробанк” АТБ	10
9.	АТ “Халқ банки”	10
10.	“Микрокредитбанк” АТБ	10

Россиялик биродарлар билан йўлга қўйилган бундай ҳамкорлик алоқалари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Буларнинг барчаси кейинги йилларда яқин қўшни мамлакатлар ва жаҳоннинг етакчи давлатлари билан кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш юзасидан олиб борилган мулоқотларнинг амалдаги ифодасидир.

Президентимизнинг жорий йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишларимиз кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Шунга мувофиқ 2022-2026 йилларда россиялик ҳамкорлар билан ҳам бир қатор истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқаришни режалаштириб олдик. Хусусан, 2022-2026 йилларда россиялик сармоядорлар қиймати 536 миллион долларга тенг 4 та йирик лойиҳани амалга ошириб, 490 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритади. Мисол учун, қишлоқ хўжалиги соҳасида Қизириқ туманида йиллик қуввати 65,7 минг тонна йирик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган иссиқхона комплекси барпо этилиб, 2021-2024 йилларда лойиҳага 340 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилади. Саноат соҳасида Жарқўрғон туманида умумий қиймати 3,5 млн. долларга тенг бўлган “Green Sulcrete” ҚК МЧЖ томонидан серабетон ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси 2022 йилда амалга оширилиши натижасида 50 янги иш ўрни яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январда ПҚ-104-сонли “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 245-сонли “2022-2026 йилларда сурхондарё вилояти ҳудудларини





комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4937-сонли Қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-459-сонли Қарори

5. Alimov, B. (2019). Improving the methods for complex retro-forecast analysis and complex forecasting methods based on lagrange interpolation formula of the accounting balance at insurance companies. International Journal of Research in Social Sciences, 9(7), 70-100.

6. Suyunov D. Kh., Alimov B. B. Green Economy and Ways of its Development in Uzbekistan. Eurasian Research Bulletin. Volume 24|September, 2023 ISSN: 2795-7365. 7-15 p.. www.geniusjournals.org.

7. Алимов, Б. Б. (2023). ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ-БИЗНЕСНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИДИР. BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(2), 72-76.

8. Алимов, Б. (2023). ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ЛОЙИҲАЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ТУРЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 3(8), 186-199.

